




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2019 йил IV чорак



Тошкент 2020 й.

## МУНДАРИЖА

<b>ИҚТИСОДИЁТДАГИ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ТҮҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ .....</b>	<b>3</b>
<b>ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР БЎЙИЧА СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ .....</b>	<b>8</b>
I. Сўров иштирокчилари таркиби .....	8
II. Ўтган даврда сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари	9
III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари .....	12
IV. Инфляцион кутилмаларни ўрганиш натижалари .....	14
V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари .....	18
VI. Аҳолининг жамғариш кайфиятини ўрганиш натижалари	20
VII. Кредитга бўлган муносабатни ўрганиш натижалари .....	21
VIII. Келгусида иқтисодиётдаги ўзгаришлар кутилмаси бўйича саволлар натижалари .....	23

## ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР

Ўтказилган сўровлар натижаларига кўра 2019 йилнинг охирида аҳоли ва тадбиркорлар томонидан **кузатилган ва кутилаётган инфляция даражаси босқичма-босқич пасайиши кузатилди**. Респондентларнинг жавобларига кўра, кузатилган инфляция даражаси IV чоракда аввалги чоракка нисбатан анча паст бўлди. Шу билан бирга, келгусидаги инфляция билан боғлиқ саволларнинг жавоблари динамикасида инфляцион кутилмаларнинг адаптив хусусияти устунлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида ўрта муддатли (келгуси 12 ой) истиқболда нархлар барқарорлиги бўйича эҳтиёткорона ёндашув сақланиб қолмоқда. Хусусан, ўрта муддатли кутилмалар III чоракдаги ўсишидан сўнг ушбу даражада сақланиб қолиб, декабрда бироз пасайди.

Респондентлар келгусида нархлар даражаси ўсишига миллий валюта қадрсизланиши, иш ҳақи ва коммунал тўловларнинг ошишини асосий омиллар сифатида қайд этди. Шу билан бирга, аҳолининг фикрига кўра қисқа муддатли истиқболда мавсумий омил нархларга қўшимча босим ўтказиши мумкин.

Ўз ичига бир қатор чора-тадбирларни қамраб олувчи мувофиқлаштирилган фискал ва пул-кредит сиёсатларини юритилиши инфляцион кутилмаларни пасайишига хизмат қиласди.

### Сезилган инфляция

Умуман олганда 2019 йилда сезилган инфляция август ойидаги кескин ўсишидан сўнг, пасаювчи трендга эга бўлди. Бунга миллий валюта курсининг нисбатан барқарор бўлиши, аввалги даврлардаги иш ҳақи ва коммунал тарифлар ўсишининг таъсири тугаб бориши ҳамда солиқ ставкаларининг пасайиши ижобий таъсир кўрсатди (1-расм).


Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг сезилган инфляциясининг медиан баҳолари “нархлар бироз ошди” жавоби томон пасайди (1-расм).

2019 йилнинг IV чорагида, нархларнинг “юқори даражада ошишини” белгилаган респондентларнинг улуши олдинги чоракка нисбатан қисқарди, нархлар “аввалги даражада ошди” жавобини қайд этган респондентларнинг улуши кўпайди (2-расм).


Шу билан бирга, мазкур даврда нарх-навога солиқ юкининг таъсири ошишини қайд этган тадбиркорлик субъектлари улуши камайиши кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, солиқ

**1-расм. Сезилган инфляция индекси динамикаси**

a) аҳоли



b) тадбиркорлик субъектлари



юкининг таъсирини босқичма-босқич камайишини ҳамда бизнес томонидан сезилган инфляция даражасига 2019 йил октябрдаги қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтирилишининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Бундан ташқари, янги йил байрами билан боғлиқ мавсумий омилтнинг сезилган инфляция даражасига таъсири ортиб борди.

### Инфляцион кутилмалар

Жисмоний ва юридик шахсларни қисқа муддатли инфляцион кутилмалари 2019 йил августдаги кескин ошишидан сўнг, йил охирига қадар сезиларли даражада пасайди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари аҳолининг кутилмаларидан бироз паст бўлиб пасаювчан трендга эга бўлди, ушбу холат тадбиркорлик субъектлари ўртасида қисқа муддатли даврда нархнаво даражаси бўйича оптимистик кайфият ортаётганлигини кўрсатди (3-расм).

Таъкидлаш жоизки, қисқа муддатли инфляцион кутилмалар, 2019 йил октябрь-ноябрь ойларида босқичма-босқич ўсишдан сўнг, декабрда сезиларли даражада пасайди.

Қисқа муддатли инфляцион кутилмалари индексининг пасайиши нархлар “юқори даражада ошиши”ни кутган респондентлар улушининг қисқариши ва нархлар “аввалги даражада ошиши”ни кутаётган респондентлар улуши кенгайиши билан боғлиқ.

Жавобларнинг ўртача медиан баҳосига кўра, аҳоли ва бизнес қисқа муддатли истиқболда нархларнинг “бироз ошиши”ни кутмоқда (3-расм).

2019 йилнинг охирида қисқа муддатли инфляцион кутлмалар пасайиши бир марталик омилларнинг таъсири тобора пасайиб бораётганлигини англаради.


Келгусидаги инфляция даражасини баҳолаш билан боғлиқ саволнинг

**2-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция бўйича жавоблар таксимоти ўзгариши**




**3-расм. Қисқа муддатли инфляцион кутилмалар индекси динамикаси**

a) аҳоли



b) тадбиркорлик субъектлари



жавоблари динамикаси инфляцион кутилмаларда адаптив хусусият (present looking) устунлигини кўрсатмоқда. Бунда, респондентлар жавоби кўпроқ ўтган ва жорий инфляция даражасидан келиб чиқиб, келгусидаги инфляция бўйича тасаввурларини шакллантирадилар. Шундан келиб чиқиб, қисқа муддатли инфляцион кутилмаларнинг пасайиши, биринчи навбатда, жорий инфляциянинг секинлашиши билан боғлиқ.

**Ўрта муддатли инфляцион кутилмалар** (келгуси 12 ой учун) IV чоракда нисбатан юқори даражада бўлиб, бу аҳоли ва корхоналар ўртасида ўрта муддатли истиқболда нарх-наво бўйича ноаниқликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда (5-расм).


Хусусан, мазкур даврда жисмоний ва юридик шасхлар томонидан нархларни келгуси 12 ой давомида “аввалги даражада ошиши”ни кутган респондентларнинг улуши 2 фоиз бандга ошиб, мос равишда 33 ва 38 фоизни ташкил қилди. Нархларнинг “бироз ошиши”ни қайд этган сўров иштирокчилари улуши мос равишда 18 ва 22 фоизгача қисқарди.

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўрта муддатли инфляцион кутилмаларининг медиана баҳоси нархлар келгуси 12 ой давомида “юқори даражада ошади” ва “аввалги даражада ошади” жавоблари орасида жойлашди (5-расм).

Ўрта муддатли инфляцион кутилмаларининг юқори даражада шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар 22 ва 23 расмларда келтирилган.


Марказий банкнинг ҳисоб-китобларига кўра, иш ҳақи индексациясини инфляциядан юқори бўлмаган даражада амалга ошириш, тартиба солинадиган нархларни эркинлаштиришнинг аниқ даврий ва миқдорий параметрларини эълон

**4-расм. Аҳолининг қисқа муддатли инфляцион кутилмалари бўйича жавоблари тақсимоти ўзгариши**




**5-расм Ўрта муддатли инфляцион кутилмалар индекси динамикаси**

a) аҳоли



b) тадбиркорлик субъектлари



қилиш ва коммуникация каналлар орқали кенг жамоатчиликка батафсил тушунтириш, шунингдек, пул-кредит ва фискал сиёсатларни инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришиш бўйича мувофиқлаштирилган ҳолда юритиш инфляцион кутилмалар хусусиятини адаптив холатдан олдинни кўзлаб баҳолаш (forward looking) ёндашувига ўтишга ёрдам беради.

### *Иқтисодий кутилмалар*


Сўров натижаларига кўра, 2019 йилнинг IV чорагида аҳоли даромадлари ошишига қарамасдан, харид қобилияти пасайганини кўрсатди. Хусусан, мазкур даврда респондентларнинг 76 фоизи даромади ошганини қайд этди (2018 йил IV чорагида - 70 фоиз) (24-а расм). Бироқ, даромади инфляция даражасидан паст даражада ошганини қайд этганларнинг улуши 43 фоизгача ўсди (24-б расм).

Шу билан бирга, аҳолининг даромади ошиши билан боғлиқ кутилмалари бироз пасайиш кузатилди. Ўрта муддатли истиқболда даромадлари ўсишини кутаётган респондентларнинг улуши 2 фоиз бандга қисқариб, 75 фоизни ташкил қилди (25-расм).

Тадбиркорларнинг келгусидаги иш ҳақи билан боғлиқ кутилмаларида кескин ўзгаришлар қайд этилмади. Уларнинг асосий улуши (47 фоизи) иш ҳақини 10-20 фоизга ошишини кутмоқда (33-расм).


2019 йилнинг IV чорагида аҳолининг жамғариш кайфиятида сарфлашга бўлган эҳтиёжнинг тобора ўсиши кузатилди. Мазкур даврда респондентлар томонидан хозирги вақт йирик харидлар учун қулай фурсат эканлиги тез-тез таъкидлаб ўтилди (йил бошида 11 фоиздан йил охирига 16 фоизгача ўсиш). Шунингдек, жамғармаларини тадбиркорликка ишлатишини қайд этган респондентларнинг улиши

6-расм. Аҳолининг ўрта муддатли инфляцион кутилмалари бўйича жавоблари тақсимоти ўзгариши



7-расм Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган ҳамда кутилаётган инфляция динамикаси

a) аҳоли



42 фоизгача қисқарди (26-расм). Бу, асосан, жорий инфляция ҳамда иқтисодиётдаги ноаниқликлар юқорилиги таъсирида шаклланди.

Келгусида коммуникация ва молиявий саводхонликни ошириш бўйича тадбирларни янада такомиллашибтириш ва кўламини кенгайтириб, инфляцияни истиқболдаги таргетини (мақсадли кўрсаткичини) тушунтириб, унга эришиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишининг таҳлили натижаларини кенг жамоатчиликка ёритиб борилиши аҳолининг иқтисодий кутилмаларини ижобийлашишига ёрдам беради.


Шу билан бирга, ўз жамғармаларини банкда сақлашни маъқул кўрган респондентлар улуши III чоракда 43 фоиздан IV чоракда 45 фоизгача ошди, нақд кўринишда сақлашни афзал кўрувчи респондентлар улуши эса 43 фоиздан 39 фоизгача қисқарди (27-расм).

Ушбу ҳолат тижорат банклари томонидан омонатларнинг жозибадорлигини сақлаб қолиш борасида ўз вақтида амалга оширган чоралари ва миллий валюта курси барқарорлашуви билан изоҳланади.

**Аҳолининг кредитга бўлган муносабатини ўрганишда сўровда иштирок этганларнинг 61 фоизи жорий кредитлари мавжудлигини билдиришди.** Бунда автокредит (15 фоиз), ипотека кредити (14 фоиз) ҳамда истеъмол кредити (13 фоиз) оммабоплиги маълум бўлди (28-расм).

Келгусида кредит олмоқчи бўлган респондентлар улушида пасайиш кузатилди. Хусусан, автокредитдан фойдаланиш истаги борлигини билдирган респондентлар улуши 19 фоиз (III чоракка нисбатан 1 фоиз бандга пасайди), ипотека кредити олишни хоҳловчи респондентлар 14 фоиз (III чоракка нисбатан 1 фоиз бандга ошди) (32-расм).

б) тадбиркорлик субъектлари



## СҮРОВ НАТИЖАЛАРИ


<b>Усул</b>	Ўзбекистон аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари орасида стандартлаштирилган юзма-юз сўров
<b>Жами иштирокчилар</b>	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида жами 900 нафар жисмоний шахслар ва 375 та юридик шахслар
<b>Даврийлиги</b>	Ойма-ой
<b>Сўров ўтказилган муддат</b>	2019 йил IV чорак

### I. Сўров иштирокчилари таркиби

8-расм

#### *Сўров респондентларининг фаолият соҳаси*

##### *а) жисмоний шахслар*



##### *б) юридик шахслар*




## II. Ўтган даврдаги сезилган инфляцияни ўрганиш натижалари

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўровлар натижалари

9-расм

#### Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?


Сўроёда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши



10-расм

#### Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархлар қандай ўзгарди?


Сўроёда жами иштирок этгандардан фоиздаги улуши




11-расм

**А) Сизнинг фикрингизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошиди?**

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

**Б) Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сезилган инфляция**

Медиана усулида ҳисобланган ўртacha баҳо, фоизда




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

12-расм

**Нима деб ўйлайсиз ўтган ойда нархлар ўзгардими?**


Сўроведа жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



13-расм

**Сизнинг фикрингиизча, охирги 12 ойда нархлар қанчага ошди?**

Сўроведа жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




### III. Инфляция сабабларини ўрганиш натижалари

#### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

14-расм

**Сизнинг кузатишларингиз бўйича қайси асосий товар ва хизматларнинг нархи охирги ойда юқори даражада ошди?**


Ушбу саволда респондентлар бир нечта маҳсулотни танлаш имкониятига эга



#### Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

15-расм

**Сизнинг кузатувларингизга кўра қайси омиллар охирги ойда маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир қилди?**



**Нима деб ўйлайсиз охирги 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлмоқда?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

**А) Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**



**Б) Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари**





## IV. Инфляцион кутилмалар

### Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

17-расм

**Нима деб ўйлайсиз келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**



Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



18-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда умуман олганда нархлар қандай ўзгаради?**

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

19-расм

**Сизнингча келгуси ойда нархлар қандай ўзгариши мумкин?**


Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



20-расм

**Сизнинг фикрингиизча келгуси 12 ойда нархлар қандай ўзгаради?**



Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



## Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда нархлар айнан қанчага ошади?



### A) Жисмоний шахслар

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



### B) Юридик шахслар

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



**Жисмоний шахслар билан ўтказилган сўров натижалари****22-расм****Нима деб ўйлайсиз келгуси 12 ойда нархларнинг тезроқ ошишига нима сабаб бўлади?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

	2019m1	2019m2	2019m3	2019m4	2019m5	2019m6	2019m7	2019m8	2019m9	2019m10	2019m11	2019m12	2019q1	2019q2	2019q3	2019q4
Доллар курсининг ошиши	67	63	57	65	51	56	60	73	73	74	75	70	63	57	69	73
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	44	43	43	41	52	45	60	55	48	52	48	49	43	46	54	50
Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши	50	50	53	44	36	30	35	40	40	38	32	36	51	37	39	36
Мавсумий омиллар	19	19	21	19	19	23	20	11	20	15	20	22	20	20	17	19
Солиқ юкининг оширилиши	41	47	45	40	21	20	22	17	20	18	18	20	44	27	19	18
Экспорт ҳажмининг ошиши	24	23	24	25	12	16	13	8	11	9	9	12	24	18	10	10
Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши	13	14	17	18	14	16	10	11	13	10	10	10	15	16	11	10
Транспорт харажатлари ошиши	38	33	34	27	19	13	17	18	23	21	18	19	35	20	19	19
Айрим товарлар импорти чекланиши	14	12	10	13	11	12	8	8	12	9	14	11	12	12	9	11
Рақобат мұхитининг ёмонлашиши	9	12	12	14	10	10	9	11	13	11	12	14	11	11	11	12

**Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари****23-расм****Сизнинг кутилмаларингиз бўйича маҳсулотингиз (хизматингиз) таннархи ошишига таъсир кўрсатувчи қайси омиллар келгуси 12 ойда юқори даражада ошади?**

Ушбу саволда респондентлар бир нечта омилни танлаш имкониятига эга

	2019m1	2019m2	2019m3	2019m4	2019m5	2019m6	2019m7	2019m8	2019m9	2019m10	2019m11	2019m12	2019q1	2019q2	2019q3	2019q4
Доллар курсининг ошиши	71	65	53	61	65	60	60	74	77	71	67	44	63	62	70	61
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	42	40	46	35	51	43	48	50	50	44	38	44	42	43	49	42
Солиқ юкининг оширилиши	59	51	51	42	38	35	29	21	26	21	25	28	54	38	25	24
Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши	55	59	50	47	51	32	44	46	44	42	39	44	55	43	45	42
Транспорт харажатлари ошиши	38	40	38	34	27	25	24	26	30	31	34	32	39	28	27	32
Мавсумий омиллар	21	18	20	20	20	22	16	16	18	19	19	21	20	21	17	20
Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши	14	13	15	14	14	13	7	8	9	9	8	9	14	14	8	9
Рақобат мұхитининг ёмонлашиши	13	16	13	14	15	11	13	9	10	14	12	15	14	13	11	14
Экспорт ҳажмининг ошиши	20	17	18	18	13	8	6	5	6	8	6	8	18	13	6	7
Айрим товарлар импорти чекланиши	13	14	13	7	13	7	9	7	10	11	11	16	13	9	9	13

## V. Аҳолининг харид қобилиятини ўрганиш натижалари

24-расм

**Охирги 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгардими?**


### A) Даромадлар ўзгариши

Сўроеда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



### B) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик

Сўроеда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




**Келгуси 12 ой давомида Сизнинг даромадларингиз ўзгарадими?****А) Даромадлар ўзгариши**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши

**Б) Даромадлар ва нархлар ўртасидаги мутаносиблик**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VI. Аҳолининг жамғариш кайфияти ўрганиш натижалари

26-расм

**Агар Сизда жамғармангиз бўлганда уни қандай ишлатишни хохлаган бўлардингиз?**


Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



27-расм

**Нима деб ўйлайсиз ҳозирги вақтда жамғармани қанақа шаклда сақлаган маъқул?**

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VII. Аҳолининг кредитга бўлган муносабати

28-расм

**Бугунги кунда сизда жорий банк кредити борми (тўлов муддати тугалланмаган)? Агар бўлса, қайси турдаги кредит (кредитлар)?**


Сўроведа жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



29-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгаради?**


Сўроведа жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



30-расм

**Сизнинг фикрингизча келгуси 12 ойда тижорат банкларининг кредит ставкалари қандай ўзгаради?**


Медиана усулида ҳисобланган ўртача баҳо, фоизда



31-расм

**Келгуси 12 ойда сиз ёки оила аъзоларингиз кредит ҳисобидан буюмлар харид қилишни ёки банк кредити олишини мўлжаллаяпсизми?**


Сўроёда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



32-расм

## Келгуси бир йил давомида айнан қайси кредит (кредитлар) туридан (турларидан) фойдаланмоқчисиз?

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




## VIII. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар бўйича кутилмалар

Юридик шахслар билан ўтказилган сўров натижалари

33-расм


### Сизнинг фикрингиизча келгуси 12 ойда иш ҳақи қандай ўзгаради?

Сўроевда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши




**Сизнинг фикрингизча 2020 йил июнъ охирида сўмниг АҚШ долларига нисбатан алмашувлариниң курси қанча бўлади?**

Белгиланган жавобларнинг ўртача тортилган қиймати (сўмда)



**Нима деб ўйлайсиз, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ҳажми келгуси 12 ой давомида ошадими ёки камаядими?**

Сўровда жами иштирок этганлардан фоиздаги улуши



© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланган.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуийдаги манзилга юборишингиз мумкин:

E-mail: [bhamraev@cbu.uz](mailto:bhamraev@cbu.uz)

Тел.: (+998) 71 212-60-22